ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2021 йил "25" июнь №277 Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида" 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда республика олий таълим муассасаларига 2021/2022 ўқув йилида талабалар қабулини юқори савияда ўтказиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик тизимидаги бўлинмалар, ташкилотлар, олий таълим муассасалари, филиаллар ва худудий бошқармалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул килишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида" 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарори рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов) зиммасига:

икки ой муддатда филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларини шакллантириш тартибига таклифлар ишлаб чиқиш ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиш;

бир ҳафта муддатда Самарқанд вилояти Ургут тумани учун педагогика йўналишлари бўйича ажратилган қабул параметрларини олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш бўйича асосланган таклифларни Халқ таълими вазирлигига киритиш вазифалари топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг 6-бандида:

а) 2021/2022 ўқув йили қабулида:

давлат олий таълим муассасаларининг **магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш** икки босқичда

амалга оширилиши, бунда, **биринчи босқичда** давлат олий таълим муассасаси томонидан танланган мутахассисликка мос фанлар бўйича кириш имтиҳонлари, **иккинчи босқичда** Давлат тест маркази томонидан чет тили бўйича тест синовлари ўтказилиши;

магистратура (клиник ординатурага) ўқишга қабул қилишда чет тили бўйича тегишли даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга абитуриентлар иккинчи босқичда чет тилидан тест синовини топширишдан озод қилиниши ва уларга мазкур фан бўйича максимал балл берилиши;

магистратура (клиник ординатура) мутахассислигига **мос фанлар бўйича имтиҳонлар натижалари** имтиҳон ўтказилганидан кейин **уч кун муддатда** давлат олий таълим муассасаси томонидан идоралараро электрон ахборот алмашинув тизими орқали Давлат тест марказига тақдим этилиши ҳамда мазкур муассасанинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши;

абитуриентнинг чет тили бўйича тест синовидан тўплаган баллари тўғрисида маълумот **тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига** ҳамда магистратура (клиник ординатура) қабули бўйича танлов натижалари тест синовлари тўлиқ якунлангандан сўнг **бир ҳафта муддатда** Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши;

б) **2021/2022 ўқув йили қабулидан бошлаб:**

алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда абитуриентлар учун касбий (ижодий) имтиҳонлардан сўнг **мажбурий учта – она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари** бўйича Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўтказилиши;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ олий таълим муассасаларига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёзга эга бўлган шахслар **умумий қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши;**

хорижий фуқароларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш белгиланган тартибда **ўтказиладиган суҳбат натижаларига** кўра олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида амалга оширилиши;

магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг **тўлов-контракт суммаси** бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, **олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланиши;**

в) **2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб** рўйхати мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган **олий таълим ташкилотларига қабул параметрлари** хорижий мамлакатдаги бош олий таълим ташкилоти, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишган ҳолда мазкур олий таълим ташкилотлари

Васийлик кенгаши қарори билан тасдиқланиши белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

4. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов), Иқтисодиёт бошқармаси (М.Хамраев) зиммасига:

2021 йил 15 июлдан бошлаб талабалар ўқишини кўчиришнинг қуйидаги тартиби жорий қилинганлиги:

а) талабалар ўқишини **хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган** (шу жумладан, халқаро рейтингларда биринчи 1 000 та ўриндан бирини эгаллаган) олий таълим ташкилотларидан **Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришда:**

алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича **касбий (ижодий) имтиҳонлар** тегишли олий таълим муассасалари томонидан, бошқа таълим йўналишлари бўйича **тест синовлари** Давлат тест маркази томонидан ўтказилишини таъминлаш юзасидан зарурий чораларни кўриш;

тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар бўйича ўтиш баллари **жорий йил 25 июлга қадар, кейинчалик ҳар йили 15 июлга қадар** белгилаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

ўтиш балидан паст балл тўплаган талабалар бакалавриатга қабул қилишдаги тартибга мувофиқ **табақалаштирилган тўлов-контракт асосида** ўқишга қабул қилинишини таъминлаш;

тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинишини таъминлаш;

б) талабалар ўқишини **хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган** олий таълим ташкилотларидан **Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган** таълим йўналишларига кўчиришга рухсат этмаслик;

в) талабалар ўқишини **Ўзбекистон Республикасининг бир ҳудудида жойлашган давлат олий таълим муассасасидан бошқа ҳудудидаги давлат олий таълим муассасасига** кўчиришда:

ўқишни мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришга **узрли сабаблар мавжуд бўлганда** рухсат бериш. Бунда, ўқишни кўчириш сўралаётган ҳудудда мос ва турдош таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда, ўқишни мазкур ҳудуддаги олий таълим муассасасининг бошқа таълим йўналишига кўчиришга рухсат бериш юзасидан давлат комиссиясига таклиф киритиш;

талабанинг республика бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига **доимий яшаш учун кўчиб ўтиши**, турмуш ўртоғи ёки ота-онасининг **меҳнат фаолиятини амалга ошириш жойи** бошқа ҳудудга ўзгартирилиши, **никоҳ тузгандан кейин** турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудудга кўчиб ўтиши **узрли сабаблар этиб тан олиш;**

талабаларнинг ўқишини **узрли сабаблар мавжуд бўлмаган** ҳолатларда, шунингдек, **мос ва турдош бўлмаган** таълим йўналишларига кўчириш ўрнатилган тартибда, тегишли бакалавриат таълим йўналиши учун белгиланган **табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига**

тенг бўлган **бир марталик тўлов** асосида амалга оширилишини таъминлаш (узрли сабаблар мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно);

г) талабалар ўқишини Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган **филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан:**

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришда алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича тегишли олий таълим муассасалари томонидан **ўтказиладиган касбий (ижодий) имтиҳонлар,** бошқа таълим йўналишлари бўйича Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган **тест синовлари натижалари кўра амалга ошириш;**

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг **мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчириш** ўрнатилган тартибда, тегишли бакалавриат таълим йўналиши учун белгиланган **табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига** тенг бўлган **бир марталик тўлов** асосида амалга ошириш;

д) **спорт мусобақалари ғолиби сифатида** имтиёз билан олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган ҳамда кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини уларнинг аризаларига мувофиқ, **сиртқи таълим шаклидаги мос ва турдош таълим йўналишига** (сиртқи таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда) **давлат гранти асосида** кўчиришга рухсат берилганлиги инобатга олинишини таъминлашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқсин.

5. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов), Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков) зиммасига:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида тиббиёт факультетини ташкил этиш ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

Тошкент тиббиёт академияси, Гулистон давлат университети, Қарши давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Навоий давлат педагогика институтларида тиббиёт факультетлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш ва малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдиришга кўмаклашиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига таклифлар киритсин.

6. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси (Ф.Далимов), Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов) зиммасига:

2021 йил 1 ноябрга кадар давлат олий таълим муассасаларида янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим фаолиятини амалга ошириш учун уларнинг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари ва ўқув-методик таъминотига қўйиладиган минимал талаблари;

2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб, давлат олий таълим муассасаларига, улар **минимал талабларга жавоб берган тақдирда,** янги

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим фаолиятини амалга оширишга рухсат этиш юзасидан таклиф ишлаб чиқсин ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига киритсин.

7. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов) зиммасига:

2021/2022 ўқув йилида олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси параметрларининг таълим тиллари бўйича тақсимотига таклифларни **2021 йилнинг 28 июнига қадар** Давлат комиссиясига;

филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларига давлат буюртмаси параметрларининг кадрлар буюртмачилари ҳамда таълим йўналишлари кесимидаги тақсимотини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига;

2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб талабаларни магистратура (клиник ординатура)га ўқишга қабул қилишнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни **уч ой муддатда** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (М.Эсонов) **бир ой муддатда**:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилида янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

давлат олий таълим муассасалари томонидан янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

9. Иқтисодиёт бошқармаси (М.Ҳамраев), ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари ректорларига:

Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари 2021/2022 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган тўлов-контракт миқдори ҳақидаги маълумотларни **2021 йил 1 июлга қадар** оммавий ахборот воситаларида эълон қилишини таъминлаш;

олий таълим муассасаларининг (ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриат таълим йўналишлари бўйича базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб, табақалаштирилган тўлов-контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини шакллантириш ва Давлат комиссиясига киритиш вазифалари юклатилсин.

10. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов), ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси (А.Абдуллаев) **икки ҳафта муддатда** 2021/2022 ўқув йилидан

бошлаб масофавий таълим ташкил этиладиган давлат олий таълим муассасалари рўйхати ҳамда тегишли таълим йўналишлари учун қабул параметрлари бўйича таклифларни Давлат комиссиясига киритсин.

11. Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (М.Эсанов), Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **икки ҳафта муддатда**:

магистратура мутахассисликлари ва уларга мувофик бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати қайта кўриб чиқилсин, янгиланган рўйхатни тасдиқласин ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

12. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

а) 2021/2022 ўқув йили қабулини юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини **3 кунлик муддатда** ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

б) олий таълим муассасаларининг ректорлари (филиал директорлари) раислигида ташкил этиладиган қабул комиссиялари таркибини тажрибали, ҳалол, пок, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириш;

в) қабул комиссияларининг тасдиқланган таркибининг ҳар бир аъзосига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажарилишини таъминлаш;

г) абитуриентлар ҳақида маълумотлар тайёрлаш, ижодий имтиҳонлар натижаларини расмийлаштириш, жамлаш ва тақдим этишга масъул ва ижрочи ходимларга йўл қўйиладиган хатоликлар оқибати ва жавобгарлик тўғрисида батафсил тушунтириш ва йўриқномлар беришни ташкил этиш;

д) магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг **тўлов-контракт суммасини** бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси кенгаши қарори асосида **мустакил белгилаш;**

е) **икки кун муддатда:**

абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларга тезкор жавоб берилишини таъминлаш учун **call center** ташкил этиш;

call centerда бир вақтнинг ўзида **камида бештагача** қўнғироқларга жавоб бериш имкониятини яратиш чораларини кўриш;

махсус икки қисмга ажратилган (консультант-абитуриент) **консультация хоналари**ни ташкил этиш;

ташкил этиладиган **call center** ҳамда **консультация хоналарига** муомала маданиятига эга бўлган тажрибали, масъулиятли ходимларни бириктириш ва уларни интернет тармоғига уланган компьютер, иш телефони, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нусхалари ва бошқа зарурий материаллар ҳамда гигиеник воситалар (санитария-зарарсизлантирувчи антисептик геллар, хлор, совун, никоб, қўлқоплар, тозалаш учун антибактериал воситалар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

ташкил этиладиган **call center ҳамда консультация хоналарига** жалб этилган ходимларнинг фуқароларга берадиган тушунтиришларида

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019 йил 26 февралдаги ПҚ-4212-сон қарори ҳамда қонунчилик ҳужжатларига** мувофиқ олий таълим муассасаларига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича бериладиган имтиёзларнинг кириш имтиҳонлари таркибидаги касбий (ижодий) имтиҳонлар мавжуд таълим йўналишларига нисбатан ҳам татбиқ этилишини назарда тутишни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

13. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини 2021/2022 ўқув йили учун республика олий ҳамда профессионал таълим муассасалари қабул жараёнлари билан боғлиқ саволларига жавоб бериб бориш мақсадида **икки кун муддатда** вазирлик **call centeri** ташкил этилсин. **Call center** фаолиятига жалб этиладиган ходимлар таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Call center **2021 йил 25 июндан 30 августга** кадар ҳар куни (якшанба кунидан ташқари) соат **09:00 дан 18:00 гача** фаолият олиб бориши белгилансин.

14. Вазирликнинг тегишли бошқарма, бўлим ва марказлари раҳбарлари **Call center**га жалб этилган ходимларнинг белгиланган муддатларда доимий фаолият олиб боришларини таъминласин.

15. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов) Ишлаб чиқариш билан интеграция ва моддий-техник базани ривожлантириш бош бошқармаси (А.Мелибоев) **Call center**нинг мунтазам фаолият олиб боришини доимий назоратини амалга оширсин.

16. Вазирликда **жорий йилнинг 1 октябрига** қадар фаолият юритадиган **“Қабул-2021” штаби** фаолияти ташкил этилсин ва “Қабул-2021” штаби таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент давлат техника университети (С.Туробжонов), Фарғона политехника институти (Ў.Саломов) “Қабул-2021” штабига жалб қилинган ходимларнинг штаб фаолиятида доимий иштирокини таъминласин.

“Қабул-2021” штабига олий таълим муассасаларидан жалб қилинган ходимларнинг хизмат сафари билан боғлиқ ҳаражатлари асосий иш жойидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

17. Бюджет ҳисоби методологияси ва бухгалтерия ҳисоботи таҳлили бошқармаси (Қ.Артиқов) **Call center** ҳамда **“Қабул-2021” штаби** фаолиятига жалб этилган ходимларнинг дам олиш кунларида олиб борган меҳнат фаолияти учун қонунчиликда белгиланган тартибда иш ҳақи ҳисобланишини таъминласин.

18. Ишлар бошқармаси (К.Ўразалиев) **бир кун муддатда Call center** ҳамда **“Қабул-2021” штаби** фаолиятига жалб этилган ходимларни компьютер, телефон ўрнатилган иш ўринлари, шунингдек, антисептик воситалар, канцелярия моллари ҳамда зарурий иш юритиш ускуналари билан таъминласин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқлари 2021/2022 ўқув йили учун профессионал таълим муассасалари

қабул жараёнлари билан боғлиқ саволларга жавоб бериб бориш мақсадида **икки кун муддатда call center** ташкил этилишини таъминласин ҳамда **Call center** фаолиятига малакали ходимларни жалб этиш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида" 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарорини ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

21. Ахборот хизмати (С.Усмонов) мазкур қарор ва унинг мазмун-моҳиятини фуқароларга етказиш мақсадида вазирлик ва олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларига тегишли маълумотларни жойлаштирлиши ҳамда доимий янгилаб борилишини таъминласин.

22. Юридик бўлим (Ф.Файзиев) жорий йилнинг **5 сентябрига** қадар қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

23. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир **А.Тошкулов**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2021 йил "23" июндаги 277 -сон
буйруғига 1-илова

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил этиладиган Call center фаолиятига жалб этиладиган ходимлар таркиби

№	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	Маматкаримов Сарвар Абдукаюмович	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси
2.	Давранов Орзу Абдужаббарович	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Талабалар амалиёти ва битирувчилар мониторинги бўлими бош мутахассиси
3.	Даминова Мадина Илхамовна	Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бош мутахассиси
4.	Захидова Зулфия Халилуллаевна	Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази етакчи мутахассиси
5.	Норқулов Алиддин Номоз ўғли	Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази етакчи мутахассиси
6.	Фарходов Фозилбек бахром ўғли	Маънавият ва маърифат маркази психолог-консультанти
7.	Эшбеков Дурбек Шерали ўғли	Маънавият ва маърифат маркази услубчиси

Изоҳ: зарур ҳолларда Call center фаолиятига жалб этиладиган ходимлар таркибига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2021 йил "25" июндаги 277 -сон
буйруғига 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил этиладиган "Қабул-2021" штаби таркиби

№	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	А.Холиқов	Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи, штаб раҳбари
2.	У.Ходиев	Кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва таълим хизматлари бозорини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи
3.	А.Маманазаров	Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси
4.	Д.Мўйдинов	Хорижий талабалар ва таълим дастурлари бўлими бош мутахассиси
5.	А.Хўжаев	Кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва таълим хизматлари бозорини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи бош мутахассиси
6.	У.Давидов	Талабалар амалиёти ва битирувчилар мониторинги бўлими бош мутахассиси
7.	Ш.Курбанов	Тошкент давлат техника университети катта ўқитувчиси
8.	У.Қаххоров	Фарғона политехника институти факультет декани ўринбосари

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2021 йил "5" июндаги 277 -сон
буйруғига 3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида" 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарорини ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан

ЙЎЛ ХАРИТАСИ

т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида" 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарорини тизимдаги барча идораларга электрон шаклда юбориш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат келиб тушган куни	Назорат ва таҳлил бошқармаси, девонхона
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида" 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарорини ўз расмий веб сайтларига жойлаштириш.	Бир кун ичида	Олий таълим муассасалари ва филиаллар, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси
3.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда уларнинг худудий идораларида малакали мутахассислар, олимлар, экспертларни жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ахборот-таҳлилий материалларнинг ўқиб ўрганилишини ташкил этиш.	Ҳафта давомида, жадвал асосида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасалари ва филиллар
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2021/2022 ўқув йилида	Икки ҳафта	Олий таълим муассасалари

	Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарорининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган материаллар тайёрлаш, унинг матнини ўзбек ва рус тилларида расмий веб-сайтларга жойлаштириш.	муддатда	ва филиаллар, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси
5.	Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарорининг мақсади, мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган мақола, материал ва экспертларнинг шарҳларини “uz” доменида давлат рўйхатига олинган еб-сайтларда жойлаштириш.	Бир ҳафта муддатда	Олий таълим муассасалари ва филиаллар, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси
6.	Тарғибот тадбирларида аҳоли томонидан қонун ҳужжатлари такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифларни (мавжуд бўлса) ўрганиш, умумлаштириш ва тегишлилиги бўйича киритиш (зарур ҳолларда, белгиланган тартибда ижтимоий сўровлар ўтказиш).	Белгиланган муддатларда	Маънавий аҳлоқий тарбия бошқармаси, маънавият ва маърифат маркази, Бош юрисконсульт